

12-1-2019

IMPROVING THE ACCOUNTING OF THE INTERNAL BANK OPERATIONS IN COMMERCIAL BANKS

K. Djurayev

Tashkent Financial Institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Djurayev, K. (2019) "IMPROVING THE ACCOUNTING OF THE INTERNAL BANK OPERATIONS IN COMMERCIAL BANKS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 6 , Article 20.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss6/20>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

IMPROVING THE ACCOUNTING OF THE INTERNAL BANK OPERATIONS IN COMMERCIAL BANKS

In this article studied meaning of internal bank operations in commercial banks, their accounting and main directions of developments. In addition, issues of improving fixed assets are studied in detail.

Keywords: accounting of internal bank operations in commercial banks, fixed assets, intangible assets, bank operations, banking services, interest incomes, non-incomes, interest expenses, non-interest expenses, profit.

As a result of ongoing reforms in the banking system, targeted measures aimed at strengthening the financial stability of the banking system have allowed to increase the total capital of commercial banks. As of January 1, 2010 the total capital of banks amounted to 3.010 trillion. As of January 1, 2018, 20,676 trillion soums soums, and as of January 1, 2019 - 26.7 trillion. soums. [1] The role of the lower level of the banking system, ie commercial banks, plays an important role in the development of the economy and the proper implementation of monetary and credit policy. In the framework of the Strategy of actions for further development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021, the commercial banks of the country have done a great job in translating accounting into international financial reporting standards.

Proper organization of internal banking operations in banks is an important issue, given the nature of commercial banks. The Bank's internal operations account includes several categories of transactions. As a result of this research, the economic literature shows that there are different views on the structure of bank internal transactions as to what category of transactions.

Currently, in an increasingly competitive environment among commercial banks, they aim to reduce the cost of banking services by maximizing costs and ensuring financial stability by examining customer requirements and providing new banking services. Commercial banks incur a number of costs in the process of rendering banking services to clients. Banks' expenses are supposed to be covered by the income from banking services. This means that banks should not only focus on increasing their revenues, but also focusing on the feasibility and cost savings of the banks. In this regard, it is advisable to study the causes of operating expenses, which play an important role in the activities of commercial banks, to conduct a detailed study of the internal operations of the bank in their proper management.

The analysis showed that the highest share in the operating expenses of both commercial banks was in the share of wages and other payments. This means that they are more likely to have a direct impact on the bank's financial position. The need to reduce the negative impact of operating costs on the bank's financial results, their constant control, research, and research.

One of the key issues in ensuring the sustainable economic growth of commercial banks is their optimization through the analysis of operating costs. This confirms again the importance of the study of internal bank accounts in commercial banks.

The results of the study show that the correct organization of the account of internal operations of the bank directly affects the financial performance of commercial banks. This is because the internal account of a bank can be considered as a financial instrument that plays a key role in the proper formation of the bank's operating expenses. If we analyze the normative acts adopted in the accounting of commercial banks in our country, we can see that the unified normative document on the accounting of internal operations of the bank has not been developed. Existing normative documents have not been fully covered, despite the fact that they have been developed into separate banking operations.

In order to improve the accounting of internal operations in commercial banks, we propose to determine the carrying amount of fixed assets that have been renovated in the following order: mainly, the carrying amount of this fixed asset should be reduced. After that, the cost of capital repairs must be included in the carrying amount. For example, a commercial bank has a book value of \$ 1 billion. It is planned to renovate the bank's building. In the first step, the old parts of the building were demolished (roof, paint on the walls, outdated floor, etc.). By the end of this phase, the building was ready for major overhaul. At the end of this phase, at the end of this phase, an independent appraisal organization will receive an evaluation report of how much the building's value has been reduced by its carrying amount. Assume that this amount is \$ 300 million. sums.

As a result of our proposal, the value of fixed assets decreased by 300 million soums. This, in turn, has a direct impact on the depreciation and property taxes on the building, which is reflected in the financial results of commercial banks.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА БАНК ИЧКИ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мақолада мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш шароитида тижорат банкларининг банк ички операциялари ҳисобини такомиллаштириш, уларнинг банк операцияларига таъсирини ўрганиш, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини ошириш, масалалари ўз ифодасини топган.

Таянч сўзлар: тижорат банки, банк ички операциялари, асосий воситалар, банк хизмати, банк операциялари, фоизли даромадлар, фоизсиз даромадлар, фоизли харажатлар, фоизсиз харажатлар, операциялар харажатлар, соф фойда.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОПЕРАЦИЙ БАНКА В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ

В статье рассматриваются вопросы совершенствования учета внутренних банковских операций коммерческих банков в контексте дальнейшего экономического развития страны, их влияния на банковские операционные расходы, повышения финансовой устойчивости коммерческих банков.

Ключевые слова: коммерческий банкинг, внутренние операции банка, основные средства, банковское дело, банковское дело, процентный доход, процентный доход, процентные расходы, процентные расходы, операционные расходы, чистая прибыль.

КИРИШ

Мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолишда Ўзбекистон Республикаси банк-молия тизимини ривожлантириш, тижорат банклари молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалалар биридир. Ушбу масаланинг ечимини топиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш лозим бўлади. Унга кўра макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш мақсадида банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш” вазифаси қўйилган.[1]

Банк тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижасида, ҳозирги кунда банк тизими молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган мақсадли чора-тадбирлар тижорат банклари умумий капитали ҳажми ошириш имконини берди. Натижада, банкларнинг умумий капитали 2010 йил 1 январь ҳолатига 3,010 трлн. сўм, 2018 йил 1 январь ҳолатига 20,676 трлн. сўм, 2019 йил 1 январь ҳолатига эса 26,7 трлн. сўмдан ошиб кетди.[2]

Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва юқори ўсиш суръатларига эришиш, улар фаолияти жараёнида амалга оширилган банк операцияларини ўз вақтида ақс эттириш, молиявий натижаларини тўғри шакллантириш ва шу тариқа банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш кўп жиҳатдан бухгалтерия ҳисоби тизимини тўғри ташкил этишга бевосита боғлиқдир. Бу масалаларни бартараф этиш бухгалтерия ҳисоби олдида муҳим аҳамият касб этувчи бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур маълумотлар манбасини шакллантириш, молиявий барқарорликни таъминлаш ва ўсиш суръатини сақлаб қолиш каби вазифаларни кўяди. Шу боисдан, бугунги кунда тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини ва ишончилигини мустаҳкамлашда тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби вазифалари кўламнинг кенгайиши турли мамлакатларда банк тизими ҳар хил иқтисодий шарт-шароитларда амалга оширилаётганлиги ҳамда ривожланиш даражалари билан боғлиқ. Бу ўз навбатида, бухгалтерия ҳисобини фақатгина маълумотлар манбаи сифатида эмас, балки келгусидаги бошқарув қарорларини қабул қилишда асосий дастак сифатида қабул қилиш даражалари билан тавсифланади.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Барчамизга маълумки, тижорат банки хизматларини кўрсатиш билан ўз фаолияти олиб боради, яъни банклар фаолиятининг пировард натижаси банк хизмати ҳисобланади. Шундай экан, улар томонидан банк хизматларини кўрсатиш учун маълум операциялар амалга оширилади. Шу ўринда “банк хизмати” ва “банк операцияси” каби тушунчаларига ойдинлик киритиш лозим деб ўйлаймиз.

Фикримизча, бу икки атама ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Банк операцияси ёки операциялар йиғиндиси натижасида банк хизмати ҳосил бўлади. Демак, банк операцияларининг якуний натижаси миқдорларга банк хизматини кўрсатиш ҳисобланади.

Иқтисодий адабиётларни ўрганиш натижасида банк операциялари тўғрисида турлича фикрлар келтириб ўтилганлигини кўришимиз мумкин.

Жумладан, россиялик иқтисодчи олимларидан Е.Ф.Жуков томонидан банк операциялари тўғрисида шундай фикр билдирилган: “Банклар ўз вазифаларини ўзлари томонидан амалга ошириладиган операциялар билан бажаради”. [3] Бундан ташқари, тижорат банкларининг операцияларини гуруҳлаш тўғрисида эса, “тижорат банкларда банк операцияларини уч гуруҳга: пассив, актив ва комисион (ҳисоб-китоб, факторинг ва траст операциялари) ажратиш мумкин” деган фикр берилган.

Шу фикрга яқин бўлган фикрни И.О.Лаврушин таҳрири остида ёзилган “Банковские операции” номли дарсликда банк хусусиятига(спецификасига) мос хизматлари таркибига қуйидаги операцияларини киритиш мумкинлигини қайд этган, яъни, депозит операциялари; кредит операциялари; ҳисоб-китоб операциялар.

“Банк хизмати деб банклар томонидан қонунчилик доирасида ва халқаро банк амалиётидан келиб чиққан ҳолда, мижозлар талабини қондириш учун амалга оширадиган банк операцияларни амалга ошириш тартибига айтилади. Ушбу таърифдан келиб чиқиб, тижорат банклари турли хизматларни амалга оширади ва улар бир ёки бир қанча операциялар натижасида амалга оширилиши мумкин.

Банк ички операциялари – мижозларга банк хизматлари кўрсатилишини таъминлаш ва ўз фаолиятини юритиш билан боғлиқ операциялар туркумига банк ички операциялари дейилади.

Тижорат банклари хусусиятларидан келиб чиқиб, банкларда банк ички операцияларини тўғри ташкил этиш муҳим масала ҳисобланади. Банк ички операциялари ҳисоби ўз ичига бир қанча операциялар туркумини олади. Бу борада олиб борилган тадқиқотлар натижасида иқтисодий адабиётларда банк ички операциялари ҳисоби таркибига қандай операциялар туркумини олиши тўғрисида турлича қарашлар мавжудлигини кўрсатди.

Олиб борилган илмий изланишлар натижасида иқтисодчи олимларнинг фикрларининг ўхшаш ва фарқли томонларини умумлаштирилган қиёсий таҳлилни келтириб ўтдик. (1-жадвалга қаранг)

1-жадвал

Банк ички операциялари ҳисобига киритилган операциялар қиёсий таҳлили

№	Ким томонидан	Асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби	Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисоби	Материаллар ҳисоби	Даромадлар, харажатлар ва соф фойдалар ҳисоби	Иш ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар	Бюджет ва бошқа фондлар билан ҳисоб-китоблар	Ҳисобдорлик суммалар ҳисоби	Дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби
	Ички Операциялар								
1	Ширинская З.Г., Нестерова Т. Н. ва Н.Э.Соколинская	+	+	+	+	-	-	-	-
2	Е.П. Козлова ва Е.Н.Галанина	+	+	+	-	+	+	-	-
3	В.Н. Курсов ва Г.А.Яковлев	+	+	+	-	+	+	+	-
4	А.К.Ибрагимов, М.Д.Марпатов, Н.К.Ризаев	+	+	+	-	+	+	-	+
5	Ф.Т.Абдувахидов	+	+	+	+	-	+	-	-

Юқорида келтирилган 1-жадвалдаги иқтисодчи-олимлар томонидан банк ички операциялари ҳисоби туркумига қандай операцияларни

киритганликларини кўриш мумкин.

Бундан ташқари, айрим иқтисодчи-олимлар томонидан банк ички операциялар ҳисобига киритилган операциялар таркибини бошқача гуруҳлашни илгари суришган. (2-жадвалга қаранг.)

2-жадвал

Банк ички операциялари ҳисобига киритилган операциялар туркуми

№	Фикр билдирган олимлар	Банк ички операциялар ҳисоби қандай гуруҳланган
1.	Банк В.Р. ва Семенов С.К.	1. Банк мулкани ҳисобга олиш; 2. Молиявий натижалар ҳисоби операциялари
2.	Усатова Л.В., Сероштан М.С. ва Арская Е.В.	1. Асосий воситалар; 2. Материал қийматликлар; 3. Молиявий натижалар ҳисоби операциялари.
3.	Камышанов П.И., Камышанов А.П. ва Камышанова Л.И.	1. Асосий воситалар; 2. Материал қийматликлар; 3. Молиявий натижалар ҳисоби операциялари
4.	Селеванова Т.С.	1. Асосий операциялар
5.	Миржакипова С.Т.	1. Дебиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби; 2. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби

Юқоридаги иқтисодчи олимларнинг фикрлари ва илмий тадқиқотлари натижаларини ҳисобга олган ҳолда банк ички операциялари ҳисоби туркумига асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисоби, материаллар ҳисоби, ходимлар билан иш ҳақи ва ҳисобдорлик суммалари бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби, даромадлар ва харажатлар ҳисоби, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисоби, соф фойда ҳисоби ҳамда турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисобларини киритиш мумкин. Чунки, ушбу банк операцияларини банк хизматига таъсири нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, банк хизматининг яратилишига билвосита хизмат қиладиган операциялар ҳисоби сифатида тушунилади.

Банк ички операциялари ҳисобига кирувчи операцияларидан бири бу асосий воситалар ҳисобидир. Тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларида асосий воситалар ҳисобини юритиш тўғрисида”ги №1434–сон йўриқномага асосан асосий воситаларнинг ҳисобини юритадилар. [4]

Хорижда чоп этилган иқтисодий адабиётларда тижорат банкларида асосий воситаларга турлича таъриф бериб ўтилган.

Масалан, Timo Eickelkamp “асосий воситалар бу фойдалилик даврида маҳсулот ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи асбоб-ускуна, дастгоҳлар, бино ва иншоотлар тушунилади[5]”

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ҳозирги кунда тижорат банклари ўртасида кучайиб бораётган рақобат муҳитида харажатларни имкон даражасида камайтириш билан банк хизматлари нархини пасайтириш, мижозлар талабларини ўрганган ҳолда, янги банк хизмат турларини кўрсатиш билан молиявий барқарорлигини таъминлашга интилмоқдалар. Тижорат банклари мижозларга банк хизматларини кўрсатиш жараёнида бир қанча турдаги харажатларни амалга оширади.

Банклар томонидан қилинган харажатлар эса, банк хизматларини

кўрсатиш эвазига олинадиган даромадлар ҳисобига қопланиши кўзда тутилади. Демак, банклар томонидан олинадиган даромадлар ҳажмининг кўпайишига эътибор берибгина қолмасдан, балки қилинадиган харажатларнинг мақсадлилигини ва уларнинг ҳажмини имконият даражасида тежашга ҳам эътибор қаратишлари лозим.

Шу нуқтаи назардан, тижорат банклари фаолиятида муҳим ўрин тутадиган операцион харажатларнинг юзага келиш сабабларини ўрганиш, уларнинг ҳисобини тўғри юритишда банк ички операциялари ҳисобини атрофлича тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Чунки операцион харажатлар банк ички операцияларининг маҳсули ҳисобланади.


3-жадвал

Ўзбекистон, Россия Федерацияси, АҚШ тижорат банкларида операцион харажатлар таҳлили

№	Банклар номи	2014			2015			2016			2017			2018		
		Жами харажат	Операцион харажат	Улуши %	Жами харажат	Операцион харажат	Улуши %	Жами харажат	Операцион харажат	Улуши %	Жами харажат	Операцион харажат	Улуши %	Жами харажат	Операцион харажат	Улуши %
I Ўзбекистон тижорат банклари (трлн. сўмда)																
1	ТИФ миллий банк	748,3	262,8	35	813,5	283,3	35	1051,3	316,3	30	1061,9	379,6	36	2743,7	562,7	21
2	Асака банк	365,4	145,9	40	477,3	179,5	38	532,8	204,8	38	436,2	235,3	54	1528,8	336,5	22
3	Ипак йўли банк	153,0	93,6	61	344,0	152,7	44	281,9	138,1	49	185,4	274,2	68	322,6	228,9	71
II Россия федерацияси тижорат банклари (трлн. рублда)																
1	Сбер банк	1392,2	514,6	37	1521,5	565,1	37	2088,4	623,4	30	1936,6	677,6	35	1861,9	672,8	36
2	Газпром банк	376,9	68,4	18	343,8	73,2	21	709,5	89,8	13	633,4	61,7	10	621,5	70,5	11
3	Альфа банк	121,1	42,6	35	150,2	51,4	34	183,2	61,9	34	202,8	64,5	32	234,7	76,6	33
III АҚШ тижорат банклари (трлн. АҚШ долларларида)																
1	Bank of America	90,3	69,2	77	90,3	75,1	83	77,2	57,2	74	75,8	55,1	73	82,0	54,7	67
2	JPMorgan Chase bank	88,8	70,5	79	81,3	61,3	75	76,6	59,0	77	80,7	55,8	69	89,4	58,4	65
3	Citibank	63,1	48,4	77	69,7	55,1	79	58,9	43,6	74	54,8	41,4	76	78,1	41,2	53

Юқоридаги 3– жадвалда Ўзбекистон, Россия Федерацияси ҳамда Америка Қўшма Штатларида фаолият юритаётган тижорат банкларидан танлаб олинган тижорат банклари операцион харажатларининг жами харажатлардаги улуши тўғрисидаги маълумот келтирилган. Ушбу жадвал маълумотларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, операцион харажатлар банкнинг жами харажатлари таркибида салмоқли улушга эга. Юқорида қайд қилинган банкларнинг молиявий ҳисоботлари асосида операцион харажатлари таркибини таҳлил қилиб ўтсак.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган АИТБ Ипак йўлининг 2018 йил якуни бўйича маълумотлардан шуни таъкидлаш мумкинки, операцион харажатлар таркибида энг катта улуш иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳиссасига тўғри келади. Транспорт ва хизмат сафари харажатлари операцион харажатлари таркибида энг кам улушни ташкил қилган (*1-расмга қаранг*).




1–расм. АИТБ Ипак йули банкининг 2018 йил операцион харажатлари таркиби, %да.[6]

АИТБ Ипак йули банкининг 2018 йил операцион харажатлари таркибида иш ҳақи харажатлари – 62%, ижара ва сақлаш харажатлари – 8%, транспорт ва хизмат сафари харажатлари – 1%, маъмурий харажатлар – 4%, репрезентация харажатлари – 4%, эскириш харажатлари – 8%, суғурта ва солиқ харажатлари – 13% фоизни ташкил қилган.

АҚШ тижорат банкларидан JPMorganChase банкининг 2018 йил молиявий ҳисоботлари асосида операцион харажатлар таркибини кўриб чиққанимизда кўйидаги маълумотлар аниқланди(2–расмга қаранг).

Бунда JPMorganChase банкининг харажатлари таркибида иш ҳақи харажатлари – 52%, ижара ва сақлаш харажатлари – 6%, эскириш харажатлари – 14%, маъмурий харажатлар – 14%, репрезентация харажатлари – 5%, бошқа харажатлар – 9% ни ташкил этади.



2–расм. JPMorganChase банкининг 2018 йил операцион харажатлари таркиби, %да[7]

Таҳлил қилинган иккала тижорат банкларининг операцион харажатлари таркибида юқори улушни иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳиссасига тўғри келишини намоён қилди. Бу эса уларнинг банк молиявий ҳолатига тўғридан-тўғри ўз таъсирини кўрсатиш имконияти юқорироқ эканлигини англатади. Операцион харажатларнинг банк молиявий натижасига салбий таъсирини камайтириш, уларни доимий назоратга олиш, тадқиқ қилиш, улар устида тадқиқот олиб бориш заруриятини келтириб чиқаради.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, банк ички операциялари ҳисобини тўғри ташкил қилиш бевосита тижорат банклари молиявий кўрсаткичларига ўз таъсирини кўрсатади. Чунки банк ички операциялари ҳисоби бевосита банкнинг операцион харажатларини тўғри шакллантиришда асосий ролни ўйнайдиган молиявий инструмент сифатида қараш мумкин. Мамалакатимизда тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби бўйича қабул қилинган меъёрий ҳужжатларини таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, банк ички операциялари ҳисоби бўйича яхлит меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилмаганлигини кўриш мумкин. Мавжуд меъёрий ҳужжатлар банк ички операцияларини алоҳида-алоҳида қисмларга ажратган ҳолда ишлаб чиқилишига қарамасдан тўлиқ қамраб ололмаган.

Тижорат банкларида банк ички операциялари ҳисобини такомиллаштириш мақсадида капитал таъмирланган асосий воситаларнинг баланс қийматини қуйидаги тартибда аниқлашни таклиф сифатида келтириб ўтамиз, яъни асосий воситалар капитал таъмирланиши режалаштирилганида шу объект мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан капитал таъмирлаш жараёнида алмаштириладиган, бузиладиган қисмларнинг объект қийматига қанча таъсир қилиш суммасини баҳолаш бўйича хулосасига асосан ушбу асосий восита баланс қиймати камайтирилиши лозим. Ундан сўнг эса капитал таъмирлаш учун қилинган харажатлар баланс қийматига қўшилиши лозим. Мисол учун, тижорат банки томонидан баланс қиймати 1 млрд. сўмлик банк биноси капитал таъмирлаш режалаштирилди. Биринчи босқичда бинодаги эски қисмлар бузиб олинди (том қисми, деворлардаги буёқлар, эскирган пол ва ҳ.к.). Бу босқич тугаганида капитал таъмирлаш учун бино тайёр ҳолига келтирилди. Бизнинг таклифимизга кўра шу босқич якунида мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан шу ҳолатдаги бинонинг нархи баланс қийматидан қанча суммага камайганлиги тўғрисида баҳолаш хулосаси олинади. Фараз қилайлик бу сумма 300 млн. сўмни ташкил қилган.

Дебет 30908 – Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси

Кредит 165** - Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи

30908-ҳисобварақда акс эттирилган олдинги қайта баҳолаш суммаси етарли бўлмаган тақдирда, арзонлашган сумма ва олдинги қайта баҳолаш суммаси ўртасидаги фарқ харажат сифатида тан олинади ва 55995-"Бошқа фоизсиз харажатлар" ҳисобварағида акс эттирилади. Бунда қуйидаги ўтказма

қайд этилади:

Дебет 55995 – Бошқа фоизсиз харажатлар

Кредит 165** - Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи

Юқоридаги бухгалтерия ўтказмаларидан сўнг капитал таъмирланаётган асосий восита баланс қиймати эндиликда 700 млн. сўмни ташкил қилади. Таъмирлаш жараёнлари тугатилиб қабул қилиш-топшириш далолатномалари ўрнатилган тартибда расмийлаштирилганидан сўнг асосий воситалар баланс қийматига капитал таъмирлаш харажатлари кирим қилинади. Агар харажатлар 500 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, у ҳолда:

Дебет 16509 - Банкнинг иморатлари - Бинолар ва бошқа қурилган иморатлар

Кредит 16505 - Тугалланмаган қурилиш

Ва, асосий восита баланс қиймати эндиликда 1 200 млн (700млн+500млн) сўмни ташкил этади. Илгари сураётган таклифимиз натижасида асосий воситанинг баланс қиймати 300 млн сўмга камайди. Бу эса ўз навбатида бинога ҳисобланадиган эскириш ва мол –мулк солиқларига тўғридан-тўғри таъсир қилиши билан молиявий натижада ўз аксини ифода этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғриси”да ЎзРесп Президенти Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий сайти www.cbu.uz
3. Банки и небанковские кредитные организации и их операции/Под редакции Е.Ф Жуков Москва:2005.- 113с
4. Банковские операции /Под редакции И.О Лаврушина. М.:Финансы и статистика, 1995. С.4
5. ЎзР Марказий банкнинг “Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги 1434-сон йўриқнома
6. Significance of fixed assets in life cycle assessments/ Timo Eickelkamp /Journal of Cleaner Production 101(2015) 97-108/www.sciencedirect.com
7. ТИФ “Миллий банк”нинг 2014–2018 йй. ҳолатига маълумотлар;
8. “Bank of America” банкнинг 2014–2018 йй. ҳолатига маълумотлар;
9. “Citigroup Inc” банкнинг 2014–2018 йй. ҳолатига маълумотлар;
10. “JP Morgan Chase” банкнинг 2014–2018 йй. ҳолатига маълумотлар;
11. “Сбербанк” банкнинг 2014–2018 йй. ҳолатига маълумотлар;
12. “Альфа-Банк” банкнинг 2014–2018 йй. ҳолатига маълумотлар;